

ЁШЛАРНИ ИЖТИМОЙ ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШДА МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИ РЎЛИ

Нарбеков Н.Н

*Жиззах политехника институти
“Умумтехника фанлари” кафедраси доцент в.б*

Парманов Н.Н

*Жиззах политехника институти
“Умумтехника фанлари” кафедраси ассистент*

Қабилов Б.У

*Жиззах политехника институти
“Умумтехника фанлари” кафедраси ассистент*

Жамиятдаги такомиллашиш жараёнида ёшлар ижтимоий фаоллигининг ошиши долзарб масала. Чунки ёшларни тўғри йўлга йўналтириш ҳар бир зиёли инсоннинг бурчидир. Маълумки, жамият тараққиёти – ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий, маънавий- маърифий, маданий жиҳатларни ўзида қамраб олади. Жамиятда яшовчи ёшлар ана шу соҳаларнинг барчасида ижтимоий фаоллик кўрсатиши ҳаётини заруриятдир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Олий Мажлисга Мурожаатномасида таъкидлаганидек: “Мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислохотлар халқимиз томонидан қўллаб-қувватланмоқда. Бу ўзгаришларнинг дастлабки натижалари аҳолимиз ҳаёти ва кундалик турмушида ўзининг яққол ифодасини топмоқда, эл-юртимизнинг ижтимоий фаоллиги, эртанги кунга ишончи ўсиб бормоқда”.

“Ижтимоий фаоллик” кенг қамровли тушунча бўлиб, у талаба ёшларнинг таълим-тарбия, илм-фан соҳасидагина эмас, балки маданият, санъат, сиёсат, ҳуқуқ каби соҳаларда ҳам фаол бўлишини англатади. Демак, “ижтимоий фаоллик” ўзининг туб моҳиятига кўра, кишилар жамият ҳаётининг иқтисодий, сиёсий, маънавий, социал ва бошқа соҳалардаги фаоллигини ифодалайди. Бозор муносабатлари ва янгича дунёқараш шахснинг ижтимоий фаоллиги структурасида маънавий-интеллектуал, ижтимоий-сиёсий фаоллик етакчи ва ҳал қилувчи элемент эканлигини кўрсатди. “Ижтимоий фаоллик” тушунчасининг моҳиятини ёритиш учун “фаоллик” тушунчасининг мазмунига эътибор бериш лозим.

“Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да фаоллик меҳнатда ёки бирор ҳаракатда, жараёнда жадаллик, жонбозлик кўрсатиш, ишчанлик,





таъсирчанлик, деб таърифланади. Ёшларнинг ижтимоий фаоллигини оширишда жамият тараққиётига дахлдор бўлган барча ташкилотлар ва ижтимоий ҳаракатлар, тузилма ва субъектлар баб-баравар масъул ҳисобланади. Айниқса, ёшларни бирлаштирган махсус ижтимоий ҳаракатнинг бу жараёндаги ўрни ўзгача. Бунда, энг муҳими, аҳолининг ёшлардан иборат қатламига хос бўлган қизиқиш ва интилиш, орзу-умид, ҳис- туйғу, мақсад ва манфаатларнинг мавжудлигидир. Демак, ижтимоий фаоллик шахснинг ўзига хос қобилияти экан, гуруҳ шароитида ташкил этиладиган тўғри мулоқот ва самимий муҳит, баҳс ва тортишувларнинг омилкорона йўлга қўйилиши бунда катта тарбиявий аҳамият касб этади. Ёшларда ижтимоий фаолликни ривожлантиришда, уларда ҳаётга, миллий-маданий меросимизга нисбатан фаол муносабатни шакллантириш, уларнинг маънавий соғлом, руҳан тетик ривожланиши учун таълим жараёнида зарур шарт-шароитларни яратиш мақсадга мувофиқ. Бу жараёнда эса инсоннинг ўзлигини англаши муҳим саналади. Чунки, инсон ўзлигини рўёбга чиқариши ўзига боғлиқ эканлигини қанча тез тушуниб етса, у ҳаётга шунчалик чуқурроқ қарайди, олдига муҳим мақсадлар қўяди.

Ёшларни тарбиялашда улар руҳиятига ўз-ўзини англаш туйғуларини сингдириш орқали ижтимоий етукликка эришувини таъминлаш муҳимдир. Чунки, бу туйғу инсоннинг маънавий шаклланиши жараёнида вояга етади. Ёшларда ижтимоий фаоллик элементларини миллий қадриятларимиз орқали ривожлантиришда халқимизнинг кўп йиллик анаъналари, маданияти, урф-одатлари, миллий байрамлари, бой қадимий мероси ўзининг алоҳида ўрни, аҳамиятига эга. Ёшларда миллий ифтихор, миллий ғурурни шакллантириш ва мустақамлаш асосида уларнинг ижтимоий фаолликларини оширишга алоҳида аҳамият бериш бошланди. Ақлий заковат, руҳий, маънавий камолот, инсофу диёнат, мурувват, меҳр-оқибат – булар барчаси маърифатли, маънавиятли инсонларнинг асосий фазилатлари саналади. Ана шу фазилатларни ёшларимизда шакллантириш бугунги куннинг муҳим вазифасидир. Ҳозирги глобаллашув жараёнида интизомли, масъулиятли, сабр-бардошли, диёнатли, виждонли, иймонли, эътиқодли, бағрикенг, инсонпарвар, ижтимоий фаол ва шу каби олийжаноб фазилатлар эгаси бўлган ёшларгина яшаш учун зарур бўлган барча қулайликларни вужудга келтиришга қодир бўла оладилар. Ижтимоий тараққиётнинг демократик ривожланиш жараёни шахснинг ўз-ўзини англаши, кадр-қимматини қай даражада эъзозлаши, жамият учун хизмат қила олиш имконияти ва ҳаракатларига ҳам бевосита боғлиқ. Буларнинг барчаси шахснинг ижтимоий



фаоллиги билан боғлиқ.

Ёшларнинг ижтимоий фаоллашуви, деганда уларнинг ижтимоий жараёнларда онгли равишда, мустақил иштирок этишлари, зарур бўлганида, ижтимоий муносабатларни ўзгартиришга ташқаридан бўладиган босимсиз кўмаклашишга интилишлари тушунилади. Масъулият ижтимоийлашув жараёнида шахснинг етуклигини белгиловчи муҳим кўрсаткичлардан саналади. Ижтимоийлашувнинг масъулият ҳиссига боғлиқ йўналишларидан яна бири шахсда шаклландиган мақсад ва идеаллардир. Улар шахсни келажакни башорат қилиш, эртанги кунини тасаввур қилиш ва узоқ-яқинга мўлжалланган режаларни амалга оширишга тайёрлигини таъминлайди. Мақсад ва режасиз инсон маънавиятсиз пессимистдир.

Бу мақсад доимо ўзининг англандлиги ва шахс реал имкониятларига боғлиқлиги билан характерланади. Уларнинг шаклланиши ва онгда ўрнашишида маълум маънода идеал ҳам роль ўйнайди. Инсон шахси тараққиёти бўйича жаҳон илмида тўпланган назарий қарашлар ҳамда Ўзбекистон тажрибаси шуни кўрсатадики, биринчидан, инсон шахсининг ижтимоий фаоллиги, энг аввало, жамоада, маълум фаолият турларида шаклланади. Иккинчидан, талабалик даври ижтимоий фаоллик ҳамда турли ахлоқ нормаларини намоён қилиш учун кенг имкониятлар даври бўлгани сабабли, ёшлар орасида устувор фаолият ҳисобланган таълим жараёни муҳим омил ҳисобланади. Учинчидан, ижтимоий тасаввурлар ижтимоий борлиқ мазмунини индивидуал борлиқ билан боғловчи кўприк вазифасини ўтайди.

АДАБИЁТЛАР:

1. Narbekov N. N. PREPARING STUDENTS FOR INNOVATIVE ENGINEERING ACTIVITIES AS A PEDAGOGICAL PROBLEM //ПРОРЫВНЫЕ НАУЧНЫЕ ИССЛЕДОВАНИЯ КАК ДВИГАТЕЛЬ НАУКИ: сборник статей Международной научно-практической конференции (12 февраля 2022 г, г. Калуга).-Уфа: OMEGA. – 2022. – С. 15.
2. Игамбердиев, Х. Х., & Нарбеков, Н. Н. (2021). ПУТИ РАЗВИТИИ ПРОФЕССИОНАЛЬНОЙ КОМПЕТЕНЦИИ БУДУЩИХ ПРЕПОДАВАТЕЛЕЙ. Universum: технические науки, (5-1 (86)), 32-34.
3. Narmatovich, N. N. (2021). Methodology Of Training Engineers For Professional Activity On The Basis Of Module-Competent Approach. 湖南大学学报





(自然科学版), 48(12).

4. Нарбеков, Н. Н. (2022). МОДУЛЬНО-КОМПЕТЕНТНОСТНЫЙ ПОДХОД В СОВРЕМЕННОМ ВЫСШЕМ ОБРАЗОВАНИИ. *Universum: технические науки*, (1-1 (94)), 10-12.

5. Игамбердиев, Х. Х., & Нарбеков, Н. Н. (2019). ПРОБЛЕМЫ ПОВЫШЕНИЯ ЭФФЕКТИВНОСТИ ОБУЧЕНИЯ ПРИКЛАДНОЙ МЕХАНИКЕ И ИХ ТЕОРЕТИЧЕСКО-ПРАКТИЧЕСКИЕ РЕШЕНИЯ. *вопросы технических и физико-математических наук в свете современных исследований* (pp. 28-33).

6. Игамбердиев, Х. Х., & Нарбеков, Н. Н. (2021). СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ ПЕДАГОГИЧЕСКОГО МАСТЕРСТВА ПРЕПОДАВАТЕЛЯ. ПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ И ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ ИНТЕЛЛЕКТУАЛЬНОГО РАЗВИТИЯ (pp. 31-33)

